



ХАР БИР МЕЪЁРДА

ИНСОН МАНФААТИ УСТУВОР

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти жорий ҳафта ҳам қизғин муҳокамалар билан бошланди. Дастлаб сиёсий партиялар фракцияларида кўриб чиқилган қонун лойиҳалари бўйича кескин баҳс-мунозаралар бўлди. Ўз навбатида Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари ҳам қонун ташаббускорларига қатъий позицияларини билдирди. Тортишувлар, эътирозлар асносида қайта кўриб чиқилиши зарур бўлган масалалар белгиланди. Айрим таклифлар кўпчиликнинг қаршилиги билан рад этилди.

Душанба кuni партиямиз фракцияси аъзолари анъанавий тарзда таниш хонада жам бўлди. Режага кўра, 10 га яқин қонун лойиҳалари биринчи ва иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Таъкидлаганимиздек, баъзи масалалар баҳс-мунозараларга бой кечган бўлса, айримларининг “тақдири” осон ҳал этилди.

► (Давоми 2-бетда)



► (Давоми 3-бетда)

БУГУННИНГ ГАПИ

ГЎЗАЛ ВА ОСОН ҲАЁТ ВАЪДАСИ -

“ИНФОЛЎЛИЛИК”НИНГ БОШ ҚУРОЛИ

Жаҳон цивилизацияси қанчалик ўзгариб, замонавийлашиб боргани сари, янги тушунчалар, касблар, машғулотлар юзага келиб, ҳеч бўлмаганда оғзаки луғатимиз турлича атамалар, янги сўзлар билан бойиб бормоқда. Ахборот ва технологиялар асри номини олган бугунги даврда ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар жамиятимизга тез кириб келди. Аввало, улар бизнинг ҳаётимизни осонлаштирганини ҳам тан олишимиз керак. Яъни, зарур маълумотларни олишда манба сифатида фойдалансак, онлайн курслар орқали билим ва касб ўрганиб ўзимизни ривожлантиряпмиз.

Чиндан ҳам бу кўплаб қулайликларни юзага келтирди. Кўпчиликда кам маблағ сарфлаб тил ўрганиш, вақтини иқтисод қилиш каби устуворликлар пайдо бўлди. Бироқ танганинг иккинчи томони борки, бу жиҳатга ҳам кўз юмиб бўлмайдим.



► (Давоми 7-бетда)

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ



ҲАЁТЛИГИДА ҲАЙКАЛ ҚЎЙИЛГАН ИНСОН

Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва ғояси асосида “Ғалаба боғи” ҳудудида бу йил яна бир янги мажмуа – “Миллат фидойилари” хиёбони қад ростлади. Муҳташам ёдгорлик мамлакатимиз осойишталиги, Ватан ҳимояси йўлида жасорат кўрсатиб, ҳалок бўлган 196 нафар ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари шарафига ўрнатилди. Унда номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган қаҳрамонларнинг биттаси ҳозирда ҳаёт ва бу табаррук инсон – замондошимиз Убайдулла Мингбоевдир.

► (Давоми 5-бетда)

СУҲБАТ

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР МИНБАРИДА

депутатларимиз ўз фикрини эркин билдирмоқда



Андижон мамлакатимизда аҳоли энг зич жойлашган вилоят ҳисобланади. Сўнгги вақтларда вилоятда катта ўзгаришлар ва янгиланишлар бўй кўрсатяпти, ҳудудлар кундан-кунга ривожланиб борапти. Аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд oilаларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратиляпти.

► (Давоми 4-бетда)

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

35 ЁШГАЧА

МЕҲНАТ БОЗОРИДА ШУНДАЙ ЧЕГАРА БОРМИ?

► (Давоми 6-бетда)

ҲАР БИР МЕЪЁРДА ИНСОН МАНФААТИ УСТУВОР

► (Давоми. Боши 1-бетда)



ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ФРАКЦИЯЛАРДАН ЎТМАДИ

Дастлаб ёқилғи-энергетика соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳаси билан Ўзэнергоинспекциянинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича баённома расмийлаштириш ваколати аниқ белгиланмоқда. Ички ишлар органлари ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларига эса ёритиш учун электр энергиясидан беҳуда, ҳўжасизларча фойдаланиш ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий баённома расмийлаштириш ваколатини бериш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, электр энергияси, газ ва сув тармоқларига қонунга хилоф равишда уланиб, уларни ўғирлаганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасида белгиланаётган баъзи меъёрлар фракция аъзоларининг қизғин муҳокамасига сабаб бўлди. Хусусан, депутат Қизилгул Қосимова айрим жарималарни ошириш билан боғлиқ нормага эътироз билдирди. Таъкидландики, мазкур масалада қонунга тақлиф этилаётган ўзгартириш муаммонинг ечими бўлолмайди ва механизм ишламайди. Шу билан бирга, ўндирилган жарималар тўғридан-тўғри давлат бюджетига тушмаслиги ҳам эътирозларни келтириб чиқаради. Депутатга кўра, жарималар миқдори оширилмасдан, ўз ҳолича

қолдирилиши ҳақиқатга яқинроқ бўлади.

Фракция аъзолари белгиланган санкцияни ўзгартириш қонунинг самарадорлигига қай даражада таъсир қилади, деган савол билан мурожаат қилди. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш эмас, мақсад жамғарма маблағларини кўпайтиришдир, деган шубҳалар ҳам йўқ эмаслиги қайд этилди.

Ташаббускорларга кўра, бир қатор тажрибаларда жарималар миқдорининг оширилиши ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилган. Чунки бугунги статистика ёқилғи-энергетика соҳасида ҳуқуқбузарликка мойиллик ортганини кўрсатади. Масалан, айрим ҳолларда юридик шахслар атайин ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириб, ҳуқуқбузарлик содир этиш ҳолатлари кузатилмоқда. Шу ва бошқа сабаблардан келиб чиқиб, комплекс жавобгарликни қўллаш амалиётини татбиқ этиш зарур. Мақсад одамларни жазолаш эмас, аксинча, жавобгарликни кучайтириш орқали уларни қинғир ишлардан қайтариш эканига урғу берилди.

Изоҳлар, берилган жавоблар депутатларни қониқтирмади. Фракция аъзолари жазоларни эмас, профилактик механизмларни, ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш чораларни кучайтириш зарурлиги юзасидан муносабат билдирди. Бир қанча саволларнинг жавоби очиқ қолгани сабабли мазкур лойиҳа палата мажлисига киритилмади.

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ

Ҳа, тўғри ўқидингиз. Бугунги замон талабларидан бири айнан автомобил йўлларини режалаштириш механизмини амалаётга жорий этишни талаб қилмоқда. Гап шундаки, йўл инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар экспертлар томонидан атрофлича ўрганилган. Натижада автомобиль йўлларини меъёрий тартибга солиш борасида бир қатор муаммолар мавжудлиги аниқланган.

Масалан, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидаги тирбандликни камайтириш, ўтказувчанлик қobiliятини ошириш ва юқори сифатли хизматлар кўрсатиш имконини берувчи автомобиль тармоғини яратиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш кечиктириб бўлмас даражага етган. Қолаверса, транспорт соҳасидаги ахборот тизимлари билан интеграция масалалари тартибга солинмай қолаётгани ҳам қонунчиликка янги меъёрлар жорий этишни тақозо қилмоқда.

Жорий ҳафта аввалида муҳокамага киритилган қонун лойиҳалари орасида ушбу масалаларни қамраб олган ташаббус ҳам ўрин олган эди. Яъни, ташаббускорлар амалдаги "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги қонун бугунги кунга келиб, мавжуд муаммоларни тўлиқ ҳажмда ҳуқуқий томондан тартибга солиш имконини бермайди, деган фикрни илгари сурмоқда. Шу нуқтаи назардан янги тахрирдаги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан "автомобиль йўлларини режалаштириш" механизми жорий этилиб, йўл инфратузилмасини аҳоли ва иқтисодиётнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларига мос равишда ривожлантириш назарда тутилмоқда. Йўлларни лойиҳалаштиришда аҳоли фикри ва атроф-муҳитга таъсирини инобатга олиш ҳамда пиёдалар учун тўсиқсиз муҳитни яратиш бўйича қатъий талаблар ўрнатилмоқда.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасига коммуникация тармоқларини қуришда йўлларнинг аввалги ҳолатини тиклаш харажатларини қоплаш шарти белгиланмоқда. Йўлларда катта ҳажмли ҳамда оғир вазнли транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тартибга солиниши, ажратилган ва йўл бўйи минтакаларида хизмат кўрсатиш объектларини жойлаштиришга оид талаблар ҳам қамраб олинган.



Айтиш керакки, амалдаги қонунчилик билан давлат-хусусий шериклик асосида йўл инфратузилмасига инвестицияларни жалб қилиш, пуллик асосда муқобил автомобиль тармоғини яратиш, йўл соҳасидаги ахборот тизимлари билан интеграция масалаларини тартибга солиш каби жиҳатлар ҳам кўрсатиб ўтилмаган. Умуман олганда, пуллик автомобиль йўлларини жорий этишнинг қонунчилик базаси мавжуд эмас.

Қайд этилишча, йўл соҳасига инвестицияларни, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш пуллик йўлларни лойиҳалаш, қуриш, реконструкция ҳамда эксплуатация қилиш ва улардан фойдаланиш учун ажратиладиган бюджет маблағларини (харажатларини) сезиларли даражада камайтиради.

Шу ва бошқа бир қатор жиҳатларни инобатга олган ҳолда, ҳамда йўл инфратузилмасида давлат бошқарувини такомиллаштириш мақсадида автомобиль йўллари соҳасини тартибга солувчи қонунчиликни янгилаш тақлифи долзарб аҳамият касб этиши таъкидланди.

Мунозаралар давомида депутатлар қонун лойиҳасининг аҳамияти, аини чоғда заруратига алоҳида эътибор қаратди. Лойиҳада назарда тутилаётган айрим меъёрлар бўйича саволлар ўртага ташланди. Қонун ташаббускорлари берилган барча саволлар юзасидан атрофлича тушунтиришлар бериб, билдирилган айрим тақлифлар қонун лойиҳасини такомиллаштириш ва маромига етказишда инобатга олинишини қайд этди.

Муҳокамалар якунида лойиҳа биринчи ўқишда маъқулланди.

ҚАРЗДОР КРЕДИТОРЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР ЯНГИЛАНАДИ



Маълумотларга кўра, бугунги кунда банклар балансида 6,5 трлн сўмлик 3 мингта мол-мулк сотилмасдан ҳаракатсиз ҳолда турибди. Ваҳоланки, бу кредиторларнинг банк балансига ўтказилиши керак бўлган қарздорликлар. Бироқ аукцион савдосида сотилмаган мол-мулкни банк балансига ўтказишда мулк эгаларининг солиқ қарздорликлари ва маъмурий жарималари мавжуд бўлса, мазкур мол-мулкни банк балансига ўтказишда муаммолар бўлади.

Мисол учун, Асака банкда 7 та, Турон банкда эса 3 та ҳолатда гаров сифатида тақдим этилган мол-мулк бошқа қарздорликлар юзасидан тақиқлар мавжудлиги сабабли банк балансига олинмаган. Натижада, умумий ҳисобда 115 млрд сўмдан ортиқ муаммоли қарздорликлар ўндирилмасдан қолмоқда.

Жорий йилги кўрсаткичларга эътибор қарадиган бўлсак, жами 4 трлн сўмлик мол-мулклар аукцион савдоларига қўйилган бўлиб, шундан 3 трлн сўмлик қисми ёки 75 фоизи банклар, 14 фоизи эса давлат фойдасига ўндирувларни ташкил қилган. Аммо ўндирувни гаровдаги мулкка қаратишга оид ижро ишлари бўйича аукцион савдоларида сотилмаган мол-мулклар сони ҳам бир неча миллиард сўмдан ошади.

Бу нимадан далолат беради? Гап шундаки, суд ҳужжатларини ижро этишда мuddати ўтган қарздорликни ўндириш механизмларини такомиллаштириш зарур. Шу билан бирга, аукционда сотилмаган мол-мулкни кредиторларга ўтказишдаги муаммоларни бартараф қилиш, кредиторлар ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлашга қаратилган суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари самарадорлигини ошириш талаб этилмоқда.

Шу кунларда муҳокама қилинаётган кредиторларнинг гаров билан таъминланган

талабларини қаноатлантириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси мазкур масалаларни қамраб олган. Фракция йиғилишида ҳамда палата мажлисида кўриб чиқилган лойиҳа юзасидан қатор тушунтириш ва изоҳлар билдирилди.

Қайд этилишча, ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи идоралар томонидан мол-мулкларга нисбатан қўйилган барча тақиқларни давлат ижрочисининг қарори асосида бекор қилиш амалиёти йўлга қўйилади. Шунингдек, давлат ижрочисининг қарори унда кўрсатилган шахсга мол-мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш (ҳисобга қўйиш) учун асос бўлиб ҳисобланиши назарда тутилмоқда. Мол-мулк бўйича мавжуд мажбуриятлар унинг собиқ эгаси – қарздор зиммасида қолиши, бироқ мазкур мажбуриятларни бажаришни ўндирувчи ихтиёрий равишда ўз зиммасига олган ҳолатлар бундан мустаснолигини назарда тутувчи қўшимчалар киритилмоқда.

Таъкидланишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида кредиторларнинг гаровга қўйилган мол-мулкка нисбатан ҳуқуқлари устуворлиги таъминланади. Табиийки, баъзи чоралар юмшатилиб, айримлари юзасидан қатъий меъёрлар ўрнатилади. Масалан, мол-мулкка нисбатан қўйилган таъминловчи чоралар давлат ижрочисининг қарорлари асосида бекор қилиниши мумкин. Шунингдек, кредит ташкилотларининг муаммоли активлар улушини камайтиришга, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари самарали ҳимоя қилинишига эришилади.

Қонун лойиҳалари муҳокамаларини кузатар экансиз, ҳеч бир масала эътибордан четда қолмаслигининг гувоҳи бўласиз. Эътиборлиси, баъзи депутатлар ўз позициясида, эътирозиди қатъий қолиб, асосланмаган меъёрларнинг қайта кўриб чиқирилиши, қонунларнинг ҳаётийлиги, ишлашини таъминловчи нормаларга алмаштирилишига эришмоқда. Бу сафарги йиғилишларда ҳам аини руҳият билан кўриб чиқилган қонун лойиҳалари бўйича тегишли ва асосли қарорлар қабул қилинди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.


125 НАФАР ДЕПУТАТ ҚАЙТАРИШНИ МАЪҚУЛЛАДИ

Энди, Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисига эътибор қаратайлик. Кеча бўлиб ўтган муҳокамалар чоғида қонун лойиҳаларининг айримлари қизғин эътирозларга учради. Масалан, расмий статистика соҳасини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси расмий статистика соҳасида маъмурий ислохотларни самарали амалга ошириш доирасида статистика органларининг фаолиятини такомиллаштириш ҳамда расмий статистикадан фойдаланувчилар учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Муҳокамаларда депутатлар бир қатор саволларни ўртага ташлади. Айрим нормаларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш зарурлиги айtilди. Хусусан, парламентдаги муҳолифат бўлган партиямиз фракцияси

қонун лойиҳасида номувофиқликлар борлигини таъкидлади, камчиликларни бартараф қилиш тақлифини илгари сурди. Ўз навбатида қонун ташаббускорлари кўтарилган масала юзасидан фикр-мулоҳаза ҳамда муносабатларини билдирди. Қизғин баҳс-мунозаралар якунида қонун лойиҳаси маромига етказилиши учун масъул қўмитага қайтарилди.



ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ –АМАЛДА

ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ



Гулнора МАРУФОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси

Ёшлар нафақат миллат генофондининг олтин захираси, балки жамиятимизнинг энг фаол қатлами ҳамдир. Янги Ўзбекистонда уларга бўлган эътибор, ғамхўрлик қамрови тобора кенгайиб бормоқдаки, бугун қайси соҳани олиб қараманг, ёшларимиз салоҳияти, интилиши, шижоати билан юқори марраларни забт этаётир. Уларнинг манфаатларини таъминлаш, орзу-интилишларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб, бу борадаги ислохотлар давр талабларига уйғун равишда янги босқичга чиқаётгани айти ҳақиқат.

Шу йилнинг 30 июнь куни Президентимизнинг ёшлар билан мулоқотида мазкур жараён сарҳисоб қилиниб, галдаги устувор вазифалар, узокни кўзлаган ва пухта таклифлар илгари сурилди. Хусусан, илм-фан, таълим, саноат, рақамли иқтисодиёт, спорт, маданият ҳамда бошқа соҳалардаги ютуқлар мисолида ёшлар мамлакатнинг стратегик

тараққиётида ҳал қилувчи ўрин тутаетгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимиз ёшлари илмий салоҳият борасида ҳам халқаро миқёсда дадил қадам ташламоқдалар. “ТОП-500” университетларга киришда Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллаган фарзандларимизнинг бугунги кунда 30 нафари “ТОП-10”, 500 нафари “ТОП-100” ва 1500 нафари “ТОП-300”даги университетларда тахсил олмақда. Буни мамлакат таълим тизимидаги изчил ислохотларнинг амалий самараси дейиш мумкин.

Шу билан бирга Ал-Беруний номидаги халқаро мактаб ташкил этилиб, энг иқтидорли ўқувчиларга махсус йўналишларда чуқурлаштирилган таълим бериш тизими йўлга қўйиладиган бўлди. “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали нуфузли олийгоҳларга кирган ёшларнинг молиявий қийинчиликларини енгиллаштириш мақсадида янги қоидалар жорий этилмоқда. Энди “ТОП-300”га кирган ёшлар ўқиш ва яшаш харажатларини қоплаш учун грант ва имтиёзли кредитлар олиш имкониятига эга бўлади.

Сунъий интеллект, рақамли технологиялар ва стартап соҳаларида ҳам кенг қўламда ишлар олиб борилмоқда. “Бир миллион сунъий интеллект етакчилари” дастури, 100 та технологик лойиҳа, 145 миллион долларлик венчур сармоа ва “Ёшлар венчур” жамғармаси орқали прототип яратиш имкониятлари — булар ёшларнинг инновацион ғояларини амалиётга тадбиқ этиш учун яратилган муҳим механизмлардир. Махсус танловлар, грантлар ва таълим

дастурлари орқали билимли ва ташаббускор ёшлар молиявий ҳамда институционал қўллаб-қувватланмоқда.

Бундан ташқари, ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш мақсадида йил охирига қадар 292 мингта иш ўрни яратилади. “Ёшлар бизнеси” ва “Келажакка қадам” дастурлари орқали 240 минг нафар ёшни даромадли иш билан таъминлаш режалаштирилган. Ҳозирда ёзги таътилда бўлган 3 миллион нафар йигит-қизни вақтинчалик ишга жалб қилиш учун “Ҳаракатда даромад” электрон тизими ташкил этилади.

Ёш кадрларни давлат бошқарувига жалб қилиш ҳам кечиктириб бўлмайдиган вазифалар сирасига киритилди. “Келажак лидерлари” дастури орқали ҳар йили 100 нафар ёш махсус тайёргарликдан ўтиб, вазир ва ҳокимларга бириктирилади, хорижда тажриба орттиради. Бу каби ташаббуслар давлат бошқарувида билимли, замонавий қарашларга эга ва масъулиятли кадрлар етишиб чиқишига замин ҳозирлайди.

Давлатимиз раҳбари нутқида билдирилган ҳар бир фикр, ҳар бир ташаббус мазмун-моҳиятан долзарб ҳамда кишини чуқур мушоадага чорлайди. Бу учрашув давлат сиёсатининг марказида инсон капитали, хусусан, ёшлар туришини яна бир бор тасдиқлади. Зеро, ёшлар билан яқиндан, самарали ишлаш, уларга ҳаммша ва ҳамма масалада елкадош бўлиш орқали Янги Ўзбекистон тараққиётининг мустаҳкам пойдеворини яратамиз.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ ТАРИХИ



Улуғбек ШЕРМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатлар тарихий, маданий ва стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Икки давлат халқларини ўхшаш миллий урф-одат, анъаналар, маданият ва дин, икки томонлама алоқаларнинг бой тарихи ҳамда минтақавий ҳамкорликдаги умумий манфаатлар бирлаштиради. Хусусан, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларларга 2024 йилда ўтказилган Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлисида Иттифоқчилик даражаси берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Озарбайжон турли халқаро ташкилотлар, хусусан, Туркий давлатлар ташкилоти, БМТ, ИХТ ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар доирасида яқин ҳамкорлиқни амалга ошириб келмоқда. Олий даражадаги олиб борилаётган мунтазам музокаралар икки томонлама муносабатларнинг юқори даражада эканини намоян қилмоқда. Иқтисодиётнинг турли соҳалари, жумладан энергетика, логистика, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги йўналишларидаги ҳамкорлик

кенгайиб бормоқда. Масалан, охириги беш йилда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми икки барабардан ошиб, 2024 йил охирига келиб 253 миллион долларга етди. 2025 йилнинг ярим йиллиги ҳолатига кўра, 80 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда. Иқтисодий кооперация йилида товар айирбошлаш ҳажми 25 фоизга ошди. Лойиҳалар портфели 4 миллиард долларга етган. 300 га яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Озарбайжон Республикасига амалга оширган давлат ташрифи доирасида Олий давлатлараро кенгашнинг иккинчи ййгилиши давомида товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажмини йилгига 1 миллиард долларга етказиш имкониятлари атрофлича муҳокама этилди. Натижада, 2030 йилга қадар товар айирбошлашни 1 миллиард долларга етказиш дастури қабул қилинди.

Маданий-гуманитар алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда. Таълим ва фан соҳасида тажриба алмашиш, туризмни ривожлантириш каби соҳаларда ҳамкорлик самарали олиб борилмоқда. Бу борада ташриф давомида Фан, касб-ҳунар ва олий таълим соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битимнинг имзоланиши ушбу йўналишдаги ишларнинг жонланиши, хусусан, дуал таълим, таълимни рақамлаштириш, фан ва бизнесни ўзаро яқинлаштириш, ўзаро боғлаш масалаларида манфаатли ҳамкорликка замин яратмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатлар нафақат икки томонлама ривожланиш, балки Марказий Осиё ва Кавказ минтақаларининг барқарорлиги ва фаровонлиги учун муҳим омилдир. Муносабатларнинг изчил мустаҳкамланишида бу галги давлат ташрифи янги тарихни очиб берди.

ХАЛҚҚА ЕЛКАДОШ ВА ТАЪСИРЧАН КҮЧ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Хусусан, маҳаллий Кенгашларнинг ваколатлари сўнгги 8 йилда қарийб олти баробарга кўпайиб, 120 тадан ошди. Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 2 февралдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан 33 та функция ва ваколат ижро ҳокимиятидан маҳаллий Кенгашларга ўтказилди. Ушбу ҳужжатга биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини янги модель – “Кўчли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойили асосида ислох қилиш бош мақсад қилиб қўйилди.

Чиндан ҳам, бугунги кунда маҳаллий Кенгашлар фаолиятида том маънода янги даврни кузатмоқдамиз. 2024 йилда ўтган парламент сайловлари якунига кўра, маҳаллий Кенгашлар таркиби қарийб 60 фоизга янгиланиб, 3 мингдан ортқ юртдошларимиз илк бор депутат бўлгани, кенгашларда аёл депутатлар ўлуши 32 фоизга етиб, 30 ёшгача бўлган халқ вакиллари сони 3,5 карра ошгани улар ишида сифат ўзгаришларига туртки бермоғи табиий.

Жорий йилнинг 23 июнида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент фармони эса халқ ҳокимиятчилигини тўлақонли рўёбга чиқариш борасида давом этаётган кенг қўламли ислохотларга янги суръат бағишлайди.

АҲОЛИ МАНФААТИ – БИРЛАМЧИ МАСАЛА

Ёдингизда бўлса, 2022 йил 20 июнда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев республика Конституциявий комиссияси аъзолари билан учрашувда давлат тараққиётининг айна босқичида Асосий қонунни янгилаш ҳаётй зарурат эканини таъкидлаб, Конституцияга давлат бошқаруви органлари ваколатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан ҳам ўз таклифларини билдирган эди. Жумладан, ҳокимлар ва маҳаллий Кенгашлар ваколатини бир-биридан ажратиш, «ҳокимлар бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашларига ҳам бошчилик қилиши» ҳақидаги конституциявий нормани чиқариб ташлашнинг аҳамиятига урғу берилганди. Дарҳақиқат, ўша пайтга қадар амалиётда



ҳокимнинг бир пайтнинг ўзида ҳам ижро органи, ҳам Кенгаш раиси лавозимини эгаллаш ҳуқуқий жиҳатдан ҳал қилинмасдан келинаётган эди. Бу эса “ҳокимиятлар бўлиниши принципи”га зид бўлиши билан бирга, маҳаллий даражада ҳокимиятларнинг бир-бирини тийиб туриш механизмининг бузилишига олиб келарди. Содда қилиб айтганда, туманда ҳоким ўзи раислик қилаётган маҳаллий Кенгаш ййғилишида ўзига-ўзи ҳам ҳисобот, ҳам баҳо берарди.

2023 йилда янги тахрирда қабул қилинган Конституциямизнинг ХХI боб, 120-моддасида халқ депутатлари Кенгашига унинг депутатлари орасидан қонунга мувофиқ сайланадиган раис бошчилик қилиши, вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашининг раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилди. «Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга кўра, ҳоким ва маҳаллий Кенгаш раиси лавозимлари бир-биридан ажратилди.

Бу маҳаллий Кенгашлар ишини жонлантиришда, ҳудудлардаги деярли барча органнинг улар олдидаги ҳисобдорлигини, масъулиятини том маънода оширишда залворли қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясининг тасдиқланиши мазкур

жараённинг мантиқий давом бўлиб, унда галдаги беш йилликда 7 та устувор йўналиш бўйича маҳаллий Кенгашларни ривожлантиришга оид 53 та чора-тадбирдан иборат “йўл харитаси”ни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Шундай қилиб, юқоридаги концепцияга мувофиқ маҳаллий Кенгашлар ҳамда депутатларининг назорат фаолиятини такомиллаштириш, бюджет ва ҳудудларни режалаштириш жараёнларидаги иштирокини кучайтириш, аҳоли муаммолари ва ҳудуд манфаатларига оид муҳим ва долзарб масалаларни ҳал этишни “маҳалла еттилиги” – туман (шаҳар) Кенгаши – вилоят Кенгаши – Сенат” тамойили асосида жадаллаштириш устувор йўналишлардан ҳисобланмоқда. Бундан ташқари, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг норма ижодкорлиги соҳасида ваколатининг кенгайиши, уларнинг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳияти мустаҳкамланиши, ўзаро ва халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши, фаолиятининг тўлиқ рақамлаштирилиши ҳозирги давр талабларига ҳамоханг ва уйғундир. Асосийси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари мақомини ҳамда фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳудудий бошқарувни “аҳоли манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ривожлантириш халқ вакилларининг пировардида халққа елкадош ва таъсирчан кучга айланишини кафолатлайди.

ВАКОЛАТ - МАСЪУЛИЯТ ДЕМАК

Шубҳасиз, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ваколатлари янада

кенгайиши уларнинг янги ислохотлар жараёнидаги иштирокини, фаоллиги ва ташаббускорлигини юқори босқичга олиб чиқади. Хусусан, давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларини белгилаш, дафн этиш жойларини сақлаш қоидаларини ва дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдорини тасдиқлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш, йўлларнинг айрим қисмларида ҳаракатланиш тезлигини ошириш ёки камайтиришга (тегишли йўл белгилари ўрнатиб) рухсат бериш каби қатор ваколатлар амалда аҳоли ва тадбиркорлар манфаатларига хизмат қилувчи қарорларни ҳаётга татбиқ этишга замин яратади.

Ёки бюджет лойиҳасини ишлаб чиқишда маҳаллий бюджет харажатларининг муайян қисмини маҳаллий Кенгаш депутатлари ташаббуси асосида шакллантириш амалиётининг йўлга қўйилишини олиб кўрайлик.

Депутатлик фаолиятимиздан биламизки, оддий одамларни қийнаётган ижтимоий-маиший муаммоларни ҳал этишда кўпинча маблағ масаласи “оёққа тушов” бўлади. Маҳаллий бюджет харажатларини шакллантиришда эндиликда депутатларнинг ҳам таклиф-ташаббуси инобатга олинishi кўнглигимиздаги иш бўлди. Масалан, вилоятимизнинг олис Томди тумани Кенгаши депутатлари аҳоли мурожаатлари асосида бир нечта овулга ичимлик суви тармоғини тортишни таклиф қилса, маҳаллий бюджет лойиҳасида шу йўналиш учун ҳам зарурий маблағ ажратилади. Ўяни, маҳаллий аҳолини қийнаётган бир муаммо айнан депутатлар иштирокида тезкор ечим топади.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашлар қошида Ёшлар гуруҳлари ташкил этилиши ёш авлод манфаатларини қўйи бўғиндан самарали ҳимоя қилиш қамровини оширади. Маҳаллий Кенгаш ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда илмий доиралар вакилларидан иборат Маслаҳат гуруҳларининг иш бошлаши эса Кенгаш қарорларини илмий-амалий жиҳатдан таҳлил этиш ва экспертлик ҳулосасидан ўтказишда муҳим ўрин тутаети.

Умуман олганда, маҳаллий Кенгашларга берилаётган ваколатлар уларнинг халқ ва давлат ўртасида кўприк вазифасини бажаришида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Натижада одамлар ўзлари сайлаган депутатлар қиёфасида муаммо ва таклифларига ечим бера оладиган, ваколати масъулиятдан кам бўлмаган ҳақиқий вакилни кўради.

Бахтиёр ТАШЕВ, Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Бугун вилоятда партиямизнинг 101 нафар депутати бор. Шундан 15 нафари халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати бўлса, 86 нафари туман ва шаҳар Кенгашларидаги вакилларимиздир. Аъзоларимиз сони 83 минг нафардан ортиқ, бошланғич партия ташкилотлари 1085 тани ташкил этади. Вилоятдаги бугунги ўзгариш ва янгиланишларда уларнинг ҳиссаси борлиги қувонарли, албатта.

Англаганингиздек, маҳаллий Кенгашлар учун ажратилган саҳифамизнинг бу галги меҳмони ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши раиси Муқаддасхон Султонова бўлди.

- Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда ХДП катта куч ва салоҳиятга эга. Сиз етакчилик қилаётган партия ташкилоти ана шу имкониятдан қай даражада фойдаланмоқда? Кўзга кўринарли ташаббуслар ҳақида нима дейиш мумкин?

- Вилоятимизда мамлакатимиз аҳолисининг 10 фоизи истиқомат қилади. Охириги йилларда вилоятимиз катта воқеалар, муҳим тажрибалар марказида турибди. Бунда депутатларимизнинг ҳам ҳиссаси бор, албатта.

Жамиятда демократик иқлимни юзага келтиришда кучли депутатлар муҳим роль ўйнайди. Кучли партия гуруҳи ўткир



томонидан жорий йилнинг биринчи чораги давомида 50 дан ортиқ депутатлик сўровлари юборилди. Бу сўровларнинг 37 таси ижобий ҳал этилди.

Партиянинг вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналарига 678 та мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг аксарият қисми, яъни, 97 фоизи ижобий ҳал қилинди.

Улар асосан, коммунал соҳа, бандлик, иш ҳақи, нафақа ва пенсияларни ўз вақтида ололмаслик, моддий ёрдам, соғлиқни сақлаш, таълим, банк кредити ва бошқа масалалар юзасидандир.

Шунингдек, сессияларга киритилган масалаларнинг ижроси бўйича доимий равишда назорат олиб боряпмиз. Сессияда қабул қилинган қарорлар ижросини ҳар



муаммоларни кўтариб чиқади, масала таг-томири билан йўқ қилинмагунча тинчимайди.

Бу йил депутатликка биринчи сайланганлар аллақачон бу жараённинг суръати ва моҳиятини тушуниб олдилар. Улар ҳудудларда тажрибали, фаол депутатлар билан бирлашиб, биргалашиб, кўп хайрли ташаббусларни илгари суришмоқда. Бир сўз билан айтганда, бугун маҳаллий Кенгашлар фаоллашмоқда. Жойларда ижро тизимида айрим мудраб ётган раҳбарлар эса анча сергаклашган.

Кўзга кўринарли муҳим ташаббусларга тўхталадиган бўлсам, биз бир қатор лойиҳаларимиз билан маҳаллаларга, сайловчилар орасига кириб боряпмиз, улар билан елкама-елка турапмиз. Маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз фаолиятига назар ташласа, мақтовлар ҳам, танқидлар ҳам бор. Аммо ҳамма гап ҳаракатда, ислохотлар самарасини таъминлашда.

Аввало, айтиш керакки, Ўзбекистондаги янги ислохотлар шароитида партиямизнинг дастурий ғоялари ва мақсадлари ҳам чуқурлашди. Партиямизнинг 2024-2029 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида мамлакатни ҳар томонлама тараққий эттириш, ижтимоий самарадорликни ошириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган муҳим масалалар қамраб олинди.

Маҳаллий Кенгашлар минбарида депутатларимиз, фаолларимиз муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўз позициясини эркин билдирмоқда ва ҳимоя қилмоқда. Партия кенгашларининг депутатлар билан алоқаси янада мустаҳкамланмоқда. Халқ дардига қулоқ тутиш, одамларнинг муаммоларини ўрганишда биргаликда фаолият олиб бориш яхши самара бериши аниқ.

Рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, партиямиздан сайланган депутатларимиз

ойнинг охирида алоҳида ййгилишда кўриб чиқамиз.

Амалий ишларимизга тўхталадиган бўлсак, биз бир қатор лойиҳаларимиз билан маҳаллаларга, сайловчилар орасига кириб боряпмиз, улар билан елкама-елка турапмиз.

Масалан, вилоят партия кенгаши томонидан ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор лойиҳалар, форумлар ташкил этилди.

Жумладан, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларни сиёсий жараёнларга фаол жалб қилиш мақсадида «Сафимиздаги ёшлар» лойиҳаси, «Депутат ва ёшлар» форуми, «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови ўтказилди. Андижонлик йигит-қизлар орасида ушбу лойиҳаларимизга қизиқувчилар жуда кўп бўлди. Шунингдек, ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва ишсизлик даражасини камайтиришга қаратилган пресс-клублар ташкил қилинди.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ҳамда болаларга нисбатан зўровонликларнинг олдини олиш мақсадида «Хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимини ошириш ойлиги», «Аёллар дафтари»да рўйхатда турган ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларни касб-хунар ўрганишга жалб этиш мақсадида «Ижтимоий ҳимоядан - ижтимоий фаоллик сари» лойиҳаси доирасида 100 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилди.

Муҳими, амалий ишларимиз орқали одамларни қийнаб келаётган қанчадан-қанча масалалар ечим топадиган бўлди. Албатта, бунга эришиш бу йўлдаги илк натижа бўлса, унинг ижросини таъминлаш муҳим ва асосий жараён саналади. Бунда эса биз депутатлар фаоллик ва зийракликни бой бермай, назорат ўрнатишимиз зарур, деб ўйлайман.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР МИНБАРИДА

депутатларимиз ўз фикрини эркин билдирмоқда

–Сиз вилоят партия кенгаши ишидан шахсан ўзингиз қониқасизми? Партия кенгаши йўл қўйган хатолар сизнингча, нималардан иборат? Камчиликлар қандай ва қайси пайтда ижобий тенденция томон силжийди?

- Албатта, ишимиздан қониқадиغان жиҳатлар жуда кўп. Юқорида айтиб ўтганимиздек, биз аҳоли билан мулоқотни кучайтириш, мурожаатларни ҳал этиш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш ва маҳаллий муаммоларни ҳал этиш борасида катта саъй-ҳаракат қияпмиз. Аммо айрим масалаларда камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Янада фаол ишлаш, катта-катта ташаббуслар билан чиқиш учун ишга солинмаган имкониятларимиз бор, шундан унумли фойдаланишимиз керак.

Масалан, ҳар бир депутат ўз сайлов округида сайловчилар билан узлуксиз мулоқотда бўлиши, уларнинг муаммоларини ҳал этишда ташаббускор бўлиши лозим. Аммо баъзи ҳолларда бу мулоқот камдан-кам ёки расмийлашган шаклда кечаётганини кўраемиз.

Партия ғояларини жамоатчиликка етказишда замонавий усуллардан кенгрок фойдаланиш зарур. Масалан, ижтимоий тармоқлар ва рақамли платформалардан самаралироқ фойдаланиш лозим. Бу ҳозирги замон талаби. Айниқса, чекка туманлардаги партия ташкилотлари бугунги ахборот технологиялари имкониятидан самарали фойдаланиши зарур.

Фақат мурожаатларни қабул қилиш эмас, балки ҳокимият ва давлат органлари билан конструктив ҳамкорликни кучайтириш керак, деб ўйлайман. Улар билан ҳамкорликда жойларда сайёр қабулларни кўпайтирсак, аҳоли муаммолари шунча тез ҳал бўлади.

Шу билан бирга, партиямиз сафини ошириб боришда фақат сон эмас, сифатдан жиҳатдан ҳам ўсишга алоҳида ўрғу беришимиз кераклигини даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Шунинг учун ҳам жорий фаолиятимизда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарларини, халқ орасида обрў қозонган жамоатчилик фаолларини партия сафига қабул қилишга кўпроқ эътибор қаратяпмиз.

Энди саволингизнинг иккинчи қисмига келадиغان бўлсак, биринчидан, агар депутатлар жойлардаги фаолиятини кучайтирса ва аҳоли билан тизимли иш олиб борса, рақамли технологиялар имкониятидан самарали фойдалансак, партия ғояларининг таъсирчанлиги ошади. Маҳаллий партия кенгашлари ва депутатлар ўртасидаги ҳамкорлик янада кучайса, ташаббуслар кўпаяди, депутатлик сўровлари орқали аҳолини қийнаётган муаммолар тезроқ ҳал бўлади.

– Ютуқлар ҳақида гапирдик, хато ва камчиликларни айтдик. Келинг, энди бевосита партиянинг жамиятдаги нуфузини янада ошириш масаласига тўхталсак. Бундан кейин нимани кутсак бўлади? Яна бир савол. Юқорида муаммоларни айтдингиз. Хўш, сиз бу муаммоларни тўлиқ бартараф этишга ваъда бера оласизми?

- Партиянинг жамиятдаги нуфузини ошириш партия фаоллари, ундан сайланган депутатларнинг Сайловолди дастурга асосан олиб бораётган амалий ишларига боғлиқдир.

Шунинг учун биз партиямиз Сайловолди дастури ва 2024-2029 йилларга

“

ФАҚАТ МУРОЖААТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЭМАС, БАЛКИ ҲОКИМИЯТ ВА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН КОНСТРУКТИВ ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ КЕРАК, ДЕБ ЎЙЛАЙМАН. УЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ЖОЙЛАРДА САЙЁР ҚАБУЛЛАРНИ КЎПАЙТИРСАК, АҲОЛИ МУАММОЛАРИ ШУНЧА ТЕЗ ҲАЛ БЎЛАДИ.

мўлжалланган Ҳаракат дастури ижросига жиддий киришганмиз.

Шунингдек, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини жонлантиришга эътибор қаратяпмиз. Бу партиямиз дастурий мақсад ва ғояларини кенг тарғиб қилиш, аъзоларимиз, хайрихоҳларимиз сафини кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, ёшларнинг муаммоларини ҳал қилишга йўналтирилган лойиҳаларни кўпайтириш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Масалан, ўтган йил мобайнида "Сафимиздаги ёшлар" ҳамда "Ёш сиёсатчилар мактаби" лойиҳалари доирасида ўтказилган тадбирларда 4 минг нафардан ортиқ ёшлар қамраб олинди, 3326 нафар ёшлар партия сафига қабул қилинди.

Ҳозир партия сафини кенгайтириш, сайловчилар меҳрини қозониш, аҳолига янада яқинлашиш бўйича катта лойиҳалар устида ишляпмиз. Асосий мақсадимиз мазкур лойиҳаларни самарали амалга ошириб, йил якунигача партиямиз аъзолари сонини кўпайтиришдир.

Муаммолар бор ва уларни бирданига тўлиқ бартараф этиш осон эмас. Лекин партиянинг жамиятдаги нуфузини янада ошириш учун бор куч-имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланган ҳолда қатъий ҳаракат қиламиз.

Сиёсатда реал ёндашув асосий тамойиллардан бири бўлиши керак, деб ўйлайман. Мен ҳар қандай муаммони бир зумда ҳал қилиб қўйиш мумкин, деб ваъда бермайман. Аммо бир нарсани аниқ айта оламан – биз бу муаммоларни босқичма-босқич ҳал қиламиз.

Умуман олганда, камчиликлар устида ишлаб, партия ташкилотлари фаолиятини янада кучайтириш, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари нуфузини ошириш бўйича қатъий режаларимиз бор. Имкониятларимиз кўп, ваколатларимиз ҳам етарли. Ишонаманки, режаларимизнинг барчаси амалий натижаларимизда акс этади.

“Ўзбекистон овози” мухбири
Лазиза ШЕРОВА суҳбатлашди.



ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ



мансаб пиллапояларида фақат ва фақат адолатни, қонунни ягона дастак билди. Бу фазилати, ҳақиқат учун кураши, жасорати халқимизнинг, давлатимизнинг эътирофига сазовор бўлди.

Убайдулла Мингбоев 2002 йилда нафақага чиққан бўлса-да, бир кун ҳам уйда ўтиргани йўқ. Сўнгги йилларда унинг ўттиздан ортиқ таклифлари Президент виртуал қабулхонасига, Вазирлар Маҳкамасига юборилди ва аксарияти суд-ҳуқуқ тизимига доир қабул қилинаётган фармон, қарорларда ўз ифодасини топди. Қатор лойиҳалари юзага чиқди.

Соҳага оид мислсиз ишларни амалга оширган Убайдулла Мингбоевга яна бир залворли вазифа юклатилди. У 2018 йилнинг 29 июнида Олий Мажлис Сенати қарори билан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг раиси лавозимига сайланди. Устоз бу ерда ҳам икки йилдан ортиқ вақт мобайнида ишлаб, касбига садоқатли, адолатпарвар ва ватанпарвар судьяларни лавозимларга тайинлашда бош-қош бўлди.

Убайдулла Мингбоев ҳозирда “Нуроний” жамғармаси республика бошқаруви ҳузуридаги Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фахрийлари жамоатчилиқ кенгашининг раиси сифатида ҳам фаолият юритмокда. Унинг ташкилотчилигида катта ҳаётий тажрибага эга бўлган суд тизими фахрийлари ҳамда жамиятда обрў-эътиборли нуронийлар билан “Уч авлод учрашувлари” мунтазам равишда ўтказиб келинаётир.

Устоз ўз ҳаётий тажрибаси ва фаолиятдан келиб чиқиб, “Суд шундай ҳокимиятки...”, “Суд – фуқаролар ҳимоячиси”, “Олий суд: кеча ва бугун”, “Етти пуштни билмоқ истаги”, “Касби қорим адолат бўлди” “Истакларим” каби ўнлаб китоблар, рисоалари ва жорий йилнинг 19 июнида “Ҳаётим ҳақиқатлари” номли янги китобини халқимизга тақдим этди.

Юқорида ёзганларимиз Убайдулла Мингбоев ҳаёти ва фаолиятида ҳимоя қилиб келган минг бир ҳақиқатларнинг оқ қоғоздаги кичик инъикоси, холос.

Томирида жадидлар исёни оқиб турган, юраги халқ учун, юрт учун ёниб яшаётган, шунинг учун ҳам тириклигида ҳайкал қўйилган ва бунга чиндан-да муносиб инсон билан замондош эканимиз ҳам аслида толеимиздир.

Зулфия МЎМИНОВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими,
“Маърифат” тарғиботчилар
жамияти аъзоси.

ҲАЁТЛИГИДА ҲАЙКАЛ ҚЎЙИЛГАН ИНСОН

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Судьялар ассоциацияси раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси ва бошқа қатор юксак давлат мукофотлари соҳиби, одил судловнинг забардаст устони, юзлаб ҳуқуқ посбонларининг устози Убайдулла Мингбоев 90 ёшни қаршилади.

Албатта, 90 баҳорга етмоқ учун 90 қишнинг аёзини енгмоқ, 90 ёзнинг олов сачратган чиллаларида ҳалоллик дарахтига виждон дарёсидан ҳовучлаб сув тутмоқ, 90 кузнинг кўз ёшларини артмоқ ва рутубтли тунлардан сўнг адолат тонги отишига ишонмоқ, ҳақиқат ғалаба қилиши учун қонун доирасида чуқур билим ила қафил бўлмоқ керак. Ҳа, шундай ҳаёт бу қахрамонимизнинг чекига тушди.

Тақдир экан, Сурхондарё вилоятининг Денов туманида таваллуд топган Убайдулла беш ёшга тўлганида онаси вафот этади. Онадан айрилиш эркаликдан, шўхликдан, тўқликдан жудо бўлиш эканини унинг мурғак юраги англай бошлаган кундан болалиқ билан хайрлашади. У барчанинг қош-у қабоғига қарар, аммо ҳеч ким унинг кўнгли ярим эканини ҳисобга олмас эди. Бу эса уни жуда эрта улғайтирди. Халқимизда “Отасиз етим – гул етим, онасиз етим – шўр етим”, деган гап бор. Убайдулла ҳам шўр етимликнинг барча шўришларини, қайғуларини ва турткилашларини кўриб, ҳаёт чиғирикларида “пишди”.

Мактабда тиришқоқ ва аълочи бўлгани учун алоҳида эътибор, ҳурмат қозонди. Китоб ўқиш унинг

энг сеvimли иши, фақат шундагина у ҳаловатни кўрарди. Мактабидаги кутубхона мудираси “Мингбоев, янги китоблар келди”, деб хабар бериши унинг учун чинакам байрам эди.

Кунларнинг бирида туман газетасида Самарқанддаги техникумга еттинчи синфни битирган ўғил-қизларни ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги эълонни ўқиб қолди. Бир амаллаб йўлқира топиб, Самарқандга борди ва шу билим юртига ўқишга кирди. Аммо ўқишни давом эттиролмади. Олдинда турган бешафқат синов уни яна ўқув даргоҳидан бош эгиб чиқишга мажбур қилди. Ўн етти ёшида отасидан айрилгач, тахсилни тўхтатиб, Деновга қайтди ва ишга жойлашди.

Убайдулла Мингбоев ўзининг “Етти пуштни билмоқ истаги” китобида ўша даврларни эслаб шундай ёзади: “Асосий вазирам чўпонларга меҳнат ҳақи ёзиш, уларни оёқ кийим билан таъминлаш, сут соғиладиган, солинадиган барча идишларнинг тозалигини текшириш, соғилган сутларни ҳисоб-китоб қилиш, сутнинг қаймоғини ажратиш, сўнгра қаймоқни куйдириб сариеғ сифатида тегишли жойларга топширишдан иборат эди. Мен иш давомида чўт уришни, табеллар тузишни, ойлик бериш учун ҳужжатлар тайёрлашни кунт билан ўргандим. Эрталаб тахминан соат бешдан тунги иккиларга қадар ишлар эдим...”

Ўқишга бўлган иштиёқ уни Сариосиё туманидаги 1-мактаб-интернатига етаклади. 1959 йилда ўнинчи синфни муваффақиятли тамомлаб, ҳарбий

хизматга кетди. Шундан сўнг Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) нинг ҳуқуқшунослик факультети талабаси бўлди.

“Озғин, рангида қони йўқ етим бола”, “тўйиб овқатланмайдиган, аммо мактабнинг энг аълочи ўқувчиси” саналган, “армиядан кийиб келган либосидан бошқа кийими йўқ талаба”дан то Убайдулла Мингбоев бўлгунча у чинакам машаққатли йўлни босиб ўтди. Шайхонтоҳур туман ички ишлар бўлими терговчиси сифатида иш бошлаб, Олий суд раиси лавозимига кўтарилгунига қадар

“

ЎЗБЕКИСТОН СУДЬЯЛАР АССОЦИАЦИЯСИ РАИСИ, ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ ВА БОШҚА ҚАТОР ЮКСАК ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ СОҲИБИ, ОДИЛ СУДЛОВНИНГ ЗАБАРДАСТ УСТУНИ, ЮЗЛАБ ҲУҚУҚ ПОСБОНЛАРИНИНГ УСТОЗИ УБАЙДУЛЛА МИНГБОВЕВ 90 ЁШНИ ҚАРШИЛАДИ.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

“САЛОМАТЛИК МАКТАБИ”



Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят ва Урганч шаҳар кенгаши, 2-сонли оилавий поликлиника ҳамда Урганч шаҳар маҳаллалар уюшмаси ҳамкорлигида “Саломатлик мактаби” лойиҳаси доирасида аҳоли учун чуқурлаштирилган бепул тиббий кўрик ташкил этилди.

Тадбирга ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва ижтимоий ҳимоя реестрда турган оила аъзолари жалб этилди.

Акция доирасида 200 га яқин фуқаро тиббий кўриқдан ўтказилди. Уларнинг 28 нафарига тегишли таъсиялар, 5 нафарига шифоналарда даволаниши учун йўлланмалар берилди.

ТАНҚИДИЙ-ТАҲЛИЛ – САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгашида навбатдаги сиёсий ўқув бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча туман ва шаҳар кенгашлари раислари иштирок этди.

Ўқув давомида 2025 йилнинг 6 ойида амалга оширилган ишлар таҳлилий муҳокама қилинди. Ҳар бир ҳудуд раҳбари партиянинг сайловолди дастури ижроси, аҳоли билан ишлаш ва сайловчилар билан мулоқот самарадорлиги борасидаги фаолияти юзасидан ҳисобот берди.

Шунингдек, камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий таклифлар билдирилди. Худудларда сиёсий фаолликни ошириш, партия ғояларини тарғиб қилиш ва аниқ ижтимоий ташаббусларни амалга ошириш бўйича янги ёндашувлар муҳокама марказида бўлди.




ИЖТИМОЙ ТАШАББУСЛАР МАҲАЛЛАДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилояти Кенгаши томонидан Самарқанд шаҳридаги “Азизон” маҳалласида “Ижтимоий ташаббуслар кўни” акцияси ўтказилди. Унда вилоят партия кенгаши раиси, депутат Б.Насриев бошчилигида партия ходимлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирок этди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад ижтимоий ислохотларнинг жойлардаги, айниқса, маҳаллалардаги ижросини ўрганиш, ижобий томонларини омаллаштириш, камчиликларни бартараф этиш чораларини кўришдан иборат. Шу билан бирга, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, янгиланиш ва ўзгаришларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишга эътибор қаратилди.

Оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган фуқаролар, таътилдаги ўқувчилар, нуронийлар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олинди. Ташкил этилган спорт мусобақаларида эса совриндорларга партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши
Ахборот хизмати.



35 ЁШГАЧА

МЕҲНАТ БОЗОРИДА ШУНДАЙ ЧЕГАРА БОРМИ?



Кундалик ҳаётимизнинг бир қисмига айланган, ахборот олиш, алмашиш ва узатишнинг қулай формати бўлган ижтимоий тармоқларни ҳолис минбар дея олмаймиз, албатта. Фейк ва ижтимоий юки йўқ хабарлар, пиарчиларнинг пуфакдек шиширилган шов-шувлари оқими тўхтамайдиган бу онлайн платформалар баъзида кишини ҳақиқат билан ҳақ рўбарў қилади. Яъни, айнан улар жамиятдаги кайфиятни, оддий одамлар дуч келаётган муаммоларни, ҳудудлардаги турли соҳаларда мавжуд бўшлиқларни кўрсатадиган ўзига хос кўзгу эканини ҳам тан олмоқ жоиз.

Шу йилнинг 17 июнь санасида Facebookнинг Maslahat.uz мулоқот гуруҳида эълон қилинган бир мурожаат эътиборимизни тортди. Унда бугун мамлакатимизда иш берувчилар томонидан кўп ҳолларда 35 ёшгача бўлган фуқаролар ишга олинаётгани, 36-50 ёшдаги ишга талабгорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун бу вазиятни тегишли вазирлик назоратга олиши кераклиги ҳақида фикр билдирилган. Ушбу пост остидаги қирқдан ошиқ изоҳлар билан танишиб, амин бўлдикки, айни мурожаат чиндан ҳам асосли, ички меҳнат бозорида кузатилаётган тенденциядан йироқ эмас.

Изоҳлардан мисол келтирамиз (имловий таҳрирланди – муаллиф).

Зилола Ғанижон қизи:
-Мен ҳам иш излаб юрибман. Эълонларнинг ҳаммасида 25-35 ёшдагилар керак деб ёзилган.

Назокат Талипова:
-Э-э, гапирманг...Мен ҳам 45 ёшдаман, пенсияга ҳали бор, стажим ҳам 20 йил+, лекин ишлагим келяпти, аммо ҳеч қаерга ишга олишмаяпти. Яхшиям, ҳунарим бор, буюртмага нарса пишираман.
Фарҳод Фозилович Бобоев:
-25 ёшдан 35 ёшгача бўлганлар ҳали энди ишни тушунаётган ва ўрганаётган бўлади, улар зўр натижа беролмайди. 35 ёшдан катталар ҳатто устозлик қила олади.
Гуля ЮСУПОВА:
-Менда ҳам шу муаммо ҳозир...

Мазкур ҳолат бизда қатор саволларни уйғотди.
Статистикага кўра, жаҳон меҳнат бозорида доимий иш билан таъминланганларнинг ўртача ёши 31 ёшдан 40 ёшгача бўлиб, айниқса, 25 ёшдан 54 ёшгача бўлган мутахассисларга талаб юқоридир. Ўртача умр кўриш давомийлиги ва туғилишнинг камайиши туфайли банд аҳоли таркибида кекса ёшдагилар улуши ортаётган мамлакатлар ҳам бор. Масалан, Швеция, Германия каби давлатларда 55 ёшдан ошган кишилар орасида бандлик даражаси ўсиб бормоқда. Ва аксинча, аҳолисининг салмоқли қисми ёшлардан иборат ўлкаларда асосан 25 ёшгача бўлганлар ишсизлик муаммоси билан тўқнаш келаётир. Ўзбекистонда ҳам ёшлар энг катта меҳнат ресурси ҳисобланади.
Мавзуга қайтсак. Хўш, ҳозирда юртимизда 35 ёшдан ошган ишга талабгорлар иш берувчиларнинг “Афсуски, ёшингиз тўғри келмайди”, важи билан эшикдан қайтиб кетаётганига сабаблар нима? Ушбу ҳолат меҳнат бозори нисбатан қизғин пойтахтда кузатиляптими ёки бошқа ҳудудларда ҳам мавжудми? Ахир 35 ёш – бу ҳали куч-қувватдан қолиш, ишлаш лаёқатида чекланиш дегани эмас-ку?! Хусусан, жамиятимизда шаклланган анъаналарга кўра, аёллар шу ёшда фарзандларини дунёга келтириб, халқона айтганда, уларнинг “суягини қотириб

олган”, рўзғордан ортиб, бемалол меҳнат фаолияти билан шуғулланиш фурсатига етган бўлади.
-Олий маълумотим йўқ, - дейди Тошкент шаҳрида яшовчи Нодира Жанизокова. - Ёшим 38 да. Болаларим анча ўзини тутиб олгач, ишлаб, даромад топиш ниятида кўп эшикларни қоқдим. Хусусий фирмалар, ишлаб чиқариш цехлари... Ҳатто кафе-барларда идиш-товоқ ювишга, ошпазга ёрдамчилик, сотувчилик ишларида ҳам 30-35 ёш деб чегара қўйишган. Иш сўраб борсангиз, аввало, ёшингизни сўрайди. Мана, неча ойдирки, иш тополмай

“
ХЎШ, ҲОЗИРДА ЮРТИМИЗДА 35 ЁШДАН ОШГАН ИШГА ТАЛАБГОРЛАР ИШ БЕРУВЧИЛАРНИНГ “АФСУСКИ, ЁШИНГИЗ ТЎҒРИ КЕЛМАЙДИ”, ВАЖИ БИЛАН ЭШИКДАН ҚАЙТИБ КЕТАЁТГАНИГА САБАБЛАР НИМА? УШБУ ҲОЛАТ МЕҲНАТ БОЗОРИ НИСАБАТАН ҚИЗҒИН ПОЙТАХТДА КУЗАТИЛЯПТИМИ ЁКИ БОШҚА ҲУДУДЛАРДА ҲАМ МАВЖУДМИ? АХИР 35 ЁШ – БУ ҲАЛИ КУЧ-ҚУВВАТДАН ҚОЛИШ, ИШЛАШ ЛАЁҚАТИДАН ЧЕКИНИШ ДЕГАНИ ЭМАС-КУ?!

юрибман...
Очиги, вазиятга янада ойдинлик киритиш ниятида hh.uz (онлайн меҳнат платформаси) ва olx.uz (онлайн савдо платформаси)даги эълонлар бўйича ўнга яқин иш берувчилар – ҳаммаси хусусий бизнес эгалари билан боғландик. Уларнинг энг биринчи берадиган саволи ёш билан боғлиқ бўлди. Мулоқотлар асосида уларга “ёш ишчилар кераклиги, 40 ёшдан ошганларга зарурати йўқлиги”ни билдик.
Демак, тўғри айтишган, шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди.

ЗАМОНАВИЙ КАСБ ВА МУТАХАССИСЛИКЛАРГА ТАЛАБ ОРТИДАН

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги маълумотида келтирилишича, бугунги кунда юртимизда меҳнатга лаёқатли аҳоли 15,2 млн.дан ортиқ бўлиб, уларнинг 14,4 млн.га яқини иш билан таъминланган. Банд бўлганларнинг ярмидан кўпи (52,1 фоизи) расмий секторда, шундан 2,8 млн.дан зиёди давлат ташкилотларида ва 4,7 млн.дан ошиғи хусусий секторда фаолият юритмоқда. Иш билан таъминланганлар ёш кесимида ўрганилганида, банд аҳоли ўртасида энг кўпини – 48 фоизини 35-50 ёшгача бўлган фуқаролар ташкил этиши маълум бўлган.
Парадоксал ҳолат. Ҳамюртларимиз ҳозирги кунда 35 ёшдан ошган ишсизлар барқарор иш жойини топишда муаммога дуч келаётганини баён қилаётган бир пайтда масъул вазирлиқнинг бу маълумотини қандай тушуниш мумкин?
- Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда юртимизда кичик бизнесни ташкил этиш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кўплаб имкониятлар яратилмоқда, - дейди Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Аҳоли бандлиги департаменти бошлиғи Мурод Муҳаммадиев. – Бунинг

натижасида янги ташкил этилаётган корхоналар яратаётган иш ўринлари замонавий касб ва мутахассисликларни талаб қилаётгани сабабли, аксарият иш берувчилар томонидан номзодлар учун ёш чегарасини 20-35 ёшгача деб белгилаш кузатилмоқда.
Гувоҳи бўлганингиздек, вазирлик мутасаддиси долзарб ҳолатни инкор қилмаяпти, балки замонавий касб ва мутахассисликларга бўлган талаб нуқтаи назаридан аксарият иш берувчилар ёш чегарасини 35 ёшгача қилиб кўрсатаётганини айтмоқда.
Тўғри, 35 ёшдан ошган авлодда, яъни, ўрта ёшлилар орасида рақамли технологияларни, бир нечта хориж тилларини, замонавий касбларни ўзлаштирган мутахассислар камдир. Бу энди замон билан боғлиқ ижтимоий ҳодиса. Лекин олий маълумот ва мутахассислик талаб қилинмайдиган соҳа-тармоқларда ҳам иш берувчиларнинг ёш чегарасини қатъий қилиб қўяётганини янги давр билан ҳамнафаслик дейликми ёки ўзибўларчилиқ...

ҚОНУН КИМ ТАРАФДА?
Бобурмирзо ҚОДИРОВ, Адлия вазирлиги қошидаги “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази кадрлар билан ишлаш бўйича бош маслаҳатчиси:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 118-моддасида ходимларни ишга қабул қилиш учун йўл қўйиладиган ёш тоифалари белгиланган бўлиб, унга кўра умумий тартибда фуқароларни 16 ёшдан бошлаб ишга қабул қилиш мумкин.
Энди асосий масалага тўxtаладиган бўлсак, Меҳнат кодексида иш берувчилар учун ходимларни танлашда ёш чегараси бўйича муайян имтиёз ёки кафолат, ходимлар учун эса қандайдир чеклов белгиланмаган. Албатта, тегишли ҳуқуқ-тартибот органларида номзодларга ёш чегараси қонунан кўрсатилган, лекин бошқа барча соҳада иш берувчининг “Сиз 40 ёшда экансиз, биз 20-30 ёшдаги ходимларни ишга оламиз” ёки “Пенсия ёшидаги фуқарони ишга олмаймиз”, деган мазмунда чекловларни қўйиши ғайриқонунийдир ва бу фуқаролар меҳнат ҳуқуқларининг камситилиши ҳисобланади.
Сўзимизни ҳуқуқий жиҳатдан изоҳлайдиган бўлсак, ҳар ким меҳнат ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда тенг имкониятларга эга. Бу ҳуқуққа даҳл қилиш, меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситиш тақиқланади.
Фуқаролар ўзининг қандай сабабга кўра ишга қабул қилинмаганини билишга ҳақли. Бунинг учун иш берувчига мурожаат қилиши ва иш берувчи рад этиш сабабларини ёзма шаклда номзод талабига мувофиқ уч кунлик муддатда билдириши шарт.
Иш берувчининг ўзига нисбатан рад жавобини ноқонуний деб ҳисоблайдиган шахслар мазкур ҳолат юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиши, ўзига етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсациялаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этиши мумкин.
Меҳнат нисозини кўриб чиқиш пайтида ишга қабул қилишни рад этишнинг қонунийлигини исботлаш вазифаси иш берувчининг зиммасига юклатилади. Шундай экан, иш берувчилардан меҳнат қонунчилигига тўғри амал қилишларини ҳамда ишга қабул қилиш чоғида ва кейинчалик иш жараёнида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини қафолатлашни, уларни ҳеч қайси масалада, хусусан, ёш борасида

ҳам камситмасликларини сўраймиз. Меҳнат қонунчилиги талабларини бузганлик учун, табиийки, жавобгарлик бор. Аникроғи, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига асосан амкобдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш — БҲМнинг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилса, жарима миқдори БҲМнинг ўн бараваридан ўн беш бараваригача ортади.

Шу ерда сўзимизга нуқта қўймоқчи бўлдик. Аммо холислик тарозиси бузилмасин учун иккинчи тарафни – иш берувчилар “дарди”ни ҳам эшитмоқ жоиз кўринди.
-Туризм хизматлари кўрсатиш билан шуғулланаман, фирмамда ўнга яқин ёшлар ишлайди, - дейди тошкентлик тадбиркор Л.М. – Уларнинг ҳаммаси 30 ёшдан кичик ва улар билан ишлаш мен учун ҳар тарафлама қулай, манфаатли. Биринчидан, ҳозирги ёшлар анча илғор фикрлайди, IT ни пухта билади, бир нечта тилларни эгаллашган, иштиёқлари ва ғайрати зўр. Фирмани ривожлантириш учун креатив ғоялар беради. Шахсан ўзим мана шу фирмамда зиммасидаги вазифани уддалашдан ҳам кўра ҳақ-ҳуқуқини талаб қилишга уста, қарашлари бирмунча қотиб қолган ўрта ёшлилар, қолаверса, пенсия ёшидагилар билан ишлашни тасаввуримга сиғдира олмайман...

Биз хулоса бермаймиз, балки муҳокама учун мавзуну кенг жамоатчилик ҳукмига

“
ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИНГ ҚАНДАЙ САБАБГА КЎРА ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАГАНИНИ БИЛИШГА ҲАҚЛИ. БУНИНГ УЧУН ИШ БЕРУВЧИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШИ ВА ИШ БЕРУВЧИ РАД ЭТИШ САБАБЛАРИНИ ЁЗМА ШАКЛДА НОМЗОД ТАЛАБИГА МУВОФИҚ УЧ КУНЛИК МУДДАТДА БИЛДИРИШИ ШАРТ.

ҳавола қиламиз. Фақат бир жиҳатни айтмасак бўлмас. Модомики, юртимизда ишсизликни камайтириш ва камбағалликни қисқартириш жараёни жадал тус олган экан, меҳнат бозоридаги тебранишларни, хавотирли сигналларни ўрганиш, илмий-амалий татқиқ қилиш, ташкилий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ҳамда ҳаётий ечимларни тақдим этиш учун иқтисодчи-олимлар-у масъулларнинг, қонун ижодкорларининг фаоллиги бугун ҳар қачонгидан муҳим.
Фарида МАҲКАМОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

ГЎЗАЛ ВА ОСОН ҲАЁТ

ВАЪДАСИ -

“ИНФОЛЎЛИЛИК”НИНГ БОШ ҚУРОЛИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Энг аввало, бу каби имкониятлар айрим “соҳа” кишиларининг “томорқасига сув қуйди”. Яъни, фирибгарлар ҳам осон йўл билан пул топиш пайига тушди. Аниқроқ айтганда, бу тоифа кишилар одамларнинг қийин вазиятидан, тушкунлиги, руҳиятидаги ўзгаришлардан “пул қилиш”ни оммалаштириб юборди.

Сўнгги йилларда интернетда “хоҳишлар марафони”, “тезда муҳаббат топиш”, “пул энергиясини очиш” каби хизматлар рекламасини тез-тез учратамиз. Бундай курсларни сотаётган одамлар халқ орасида “инфолўлилар” деб аталади. Бу илмий атама эмас, балки танқидий ва кинояли ном бўлиб, шубҳали маълумотни пуллаб сотадиган, ўзларини “мутахассис” деб кўрсатадиган одамларни англатади.

Улар нимани таклиф қилишади? Нега улар хавфли? Ва уларни ҳақиқий психологлардан қандай ажратиш мумкин? Мазкур мақолада ушбу жиҳатларга ойдинлик киритишга ҳаракат қиламиз.

“МЎЪЖИЗАВИЙ МАСЛАҲАТ”ЛАРДАН ҚОЧИНГ

Инфолўлилар — бу мотивацион курслар, тренинглар, “марафонлар” ва “коучинг” дастурларини пуллик равишда сотадиган, ҳаётингизда тез ва катта ўзгаришлар ваъда қиладиган кишилар. Улар “30 кунда миллионер бўласиз”, “1 ҳафтада идеал жуфт топасиз”, “1 та маслаҳат билан барча муаммолардан қутуласиз” каби имконсиз ваъдалар билан одамнинг қўйинини пуч ёнгоққа тўлдаришади.

Улар кўпинча чиройли нутқ, ёрқин тақдимот ва ҳиссий манипуляциядан фойдаланишади, лекин айтилган гаплар ортида илмий асос ёки ҳақиқий билим бўлмайди. Уларнинг кўпчилигида расмий таълим ёки психология бўйича тажриба йўқ.

Масалан, катта аудиторияга эга “псевдомотиваторлар”, “псевдопсихологлар” ўқув курслари орқали одамларга гўзал ҳаёт ваъда қилади. Барча уринишлар эса фойда олиш илминини одамларни манипуляция қилиш учун атайлаб ёлғон маълумот тарқатишга йўналтирилган, холос. Афсуски, текин пишлоқ фақат қопконда бўлади. Содда одамлар эса “айёр табдиркорлар”нинг тузоғига осонгина илиниб қолмоқда. Бутун дунёда оммалашган ушбу тенденция Ўзбекистонга ҳам бегона эмас. Демак, фирибгарларнинг найрангларига тушиб қолмаслик учун уларнинг қимлигини билиш керак.

Дарди фақат пул бўлган кимсалар асосан инстаграм саҳифаларида ёлғон изоҳлар,

“муваффақият ҳикоялари” билан одамларни ишонтиришга ҳаракат қилишади. Уларда олий маълумотли психолог эканлигини тасдиқловчи диплом йўқ ёки кўпи билан — қисқа курсларда ўқиганлиги тўғрисида ноаниқ “сертификатлар”га эга бўлиши мумкин. Энг ёмони, улар шахсларнинг руҳиятига ҳужум қилади. Ўзини “кечкаётган”, “ҳаётини ўтказиб юбораётган” каби ҳис қилишига ундайди. Гўёки, хоҳласангиз, уддалайсиз. Бунинг учун фақат тасаввур қилиш кифоя, бошқаси ўзи келади. Ҳаракатлар эмас, фикр ўзгариши ҳаётни ўзгартиради, деган ғояни сингдиришга уринишади.

Тўғри, бу инсонларнинг фикри истакларига айланганда ва уни ҳаракатга ундаганда фойдалидир. Аммо шунчаки олма пиш, оғзимга туш деб ўтирган билан ҳеч нима ўзгармаслиги ҳаётнинг энг олий ва оддий ҳақиқати эканини ақли расо одам яхши билади.

Ҳўп, ҳақиқий психолог ким? Биринчидан, психолог — бу психология бўйича олий маълумотга эга, илмий асосланган методлар асосида ишлайдиган мутахассисдир. У ҳеч қачон “мўъжизавий маслаҳат” бермайди, балки сизга ўзингизни тушунишга, ички муаммоларингизни ҳал қилишга ёрдам беради.

ПСИХОЛОГИЯ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ?

Дилбар МУҲАММАДОВА,
Ўзбекистон миллий
университети психология
кафедраси мудири, профессор:

— Бугунги куннинг энг нозик ва долзарб мавзуларидан бири бу одамларнинг мотиваторларга, психологларга эhtiёжи ортиб бораётганидир. Табиийки, бунинг турли сабаблари бор. Аввало, медиа саводхонлик масаласида бироз оқсоқмиз. Ўртдошларимиз ижтимоий тармоқлардаги “гўзал ва осон” ҳаётни кўриб, уларга иштиёқи ортади. Улар билмайдики, ҳақиқат умуман бошқача бўлиши мумкин. Бу билан ҳеч кимни айбламочки эмасман. Сабаби, ростдан ҳам ишонувчанмиз.

Таққлаш, айблаш билан масалага ечим топиш имконсиз. Талаб борми, демак таклиф ҳам шунга яраша бўлаверади. Аҳоли талабини қондириш, уларни фирибгарлардан ҳимоя қилишнинг йўли эса, биринчидан, мутахассис психологлар сафини кенгайтириш ва уларни одамларга яқинлаштириш лозим. Иккинчи муҳим жиҳати, мотиватор психологларнинг фаолиятини қонун билан тартибга солиш талаб этилади.

Мутахассис сифатида психология йўналишларига ҳам тўхталмоқчиман. Айтишни истардимки, бу соҳа жуда кенг қамровли бўлиб, фақатгина саҳнага чиқиб ваъз ўқиш билан чегараланмайди. Психологиянинг



энг оммалашган, кенг тарқалган тармоқлари бу клиник психология ҳисобланади. Ушбу тармоқ руҳий ва эмоционал бузилишларни диагностика қилиш, даволаш ва олдини олишга қаратилган бўлиб, иш соҳаси депрессия, хавотир, шизофрения, наркомания каби касалликлар ҳисобланади. Тафаккур ва ҳатти-ҳаракат психологияси эса инсон фикрлаши, ҳис-туйғулари ва ҳаракатлари ўртасидаги алоқани ўрганади. Бу йўналишдан инсонлар, хусусан, табдиркорлар, ўз ишини ривожлантириш истагида бўлган кишилар кўпроқ фойланади, яъни, реклама ва эълонлар орқали одамларнинг эътиборини тортади.

Мазкур йўналишлар ичида ижтимоий психология одамларнинг ижтимоий муҳитдаги ҳатти-ҳаракатлари ва ўзаро муносабатларини ўрганади. Гуруҳ таъсири, стереотиплар, меҳр-муҳаббат психологияси кабилар иш соҳаси ҳисобланади.

Ривожланиш психологияси инсоннинг туғилишдан ўлимигача бўлган даврни қамраб олади. Шунингдек, меҳнат, тиббий, таълим, спорт, нейропсихология ва психоанализ каби йўналишлар ҳам бор. Ўз номидан келиб чиқиб, улар орқали инсонларнинг ҳаётдаги, жамиятдаги муносабатлари ўрганилади.

Аммо уларнинг ҳеч бирида одамларга ёлғон ваъдалар бериб, алдаш орқали натижага эришиш мумкинлиги исботланмаган. Бугун сизга ўз ҳаётидан келиб чиқиб, ваъда бераётган кимсаларнинг сўзлари буткул ёлғон бўлмаслиги мумкин. Бироқ ҳеч кимнинг ҳаёти бошқасига ўхшамайди. Ҳамма алоҳида индивидуал шахс ҳисобланади. Яратган одамзодни шундай дунёга келтирган. Яъни, биз кимгадир ўхшашимиз шарт эмас ва бу имконсиз ҳатто.

“ИНФОЛЎЛИЛАР” ФАОЛИЯТИ ТАРТИБГА СОЛИНГАНМИ?

Тадқиқотлар айни пайтда тиббий контентда “рост”дан кўра “уйдирма”нинг улуши кўплигини кўрсатмоқда. Хусусан, АҚШнинг GoodRh Health тиббиёт портали томонидан ўтказилган суровномада 70 фоиздан зиёд америкалик ҳеч бўлмаганда бир марта тиббиёт дезинформациясидан азият чекиши ва ёлғоннинг 82 фоизи ижтимоий тармоқлар ҳиссасига тўғри келиши қайд этилган.

Бунинг асосий сабаби шуки, ижтимоий тармоқлар аксарият ҳолларда пул дардида яшайдиган

сохта табиблар, ўқувсиз косметолог, психолог, диетолог ва ҳоказолар учун мўмай даромад манбаига айланишга улгурган. Оғзига туфлатиб ҳам даволаниш мумкинлигига ишонадиган тоифалар эса табиийки, уларнинг бизнес-тренинглари, мураббийлар, яшнатмоқда.

Маълум бўлишча, “инфолўлилар” фаолияти хавфини англаган ҳолда, бир қатор давлатлар турли хил кураш механизмларидан, жумладан, жиноий жазолардан фойдаланган ҳолда фирибгарликнинг ушбу турига қарши курашишга ҳаракат қилмоқда. Айрим хорижий мамлакатларда “инфолўлилар” ва



ТАҚИҚЛАШ, АЙБЛАШ БИЛАН МАСАЛАГА ЕЧИМ ТОПИШ ИМКОНСИЗ. ТАЛАБ БОРМИ, ДЕМАК ТАКЛИФ ҲАМ ШУНГА ЯРАША БЎЛАВЕРАДИ. АҲОЛИ ТАЛАБИНИ ҚОНДИРИШ, УЛАРНИ ФИРИБГАРЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЙЎЛИ ЭСА, БИРИНЧИДАН, МУТАХАССИС ПСИХОЛОГЛАР САФИНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА УЛАРНИ ОДАМЛАРГА ЯҚИНЛАШТИРИШ ЛОЗИМ. ИККИНЧИ МУҲИМ ЖИҲАТИ, МОТИВАТОР ПСИХОЛОГЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ҚОНУН БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.

хаваскор блогерлар ўз сўзлари учун жавобгарликка тортила бошланди.

Масалан, Хитойда блогерлар, агар махсус маълумотга эга бўлмаса, тиббиёт, ҳуқуқ ва молия бўйича контентни нашр этишлари тақиқланган. Бунинг учун улар контентни эълон қиладиган платформага таълим ҳужжатини тақдим этиши ва ресурс раҳбарияти унинг ҳақиқийлигини текшириши лозим. Қозоғистонда эса ахборот товарлари ва хизматлари муаллифлари учун давлат томонидан тартибга солиш ва жавобгарликни талаб қилувчи онлайн петиция бошланди.

Балки юртимизда ҳам тегishли малакага эга бўлмаган ҳолда қандай яшашни ўргатувчи “ақлли кишилар” армияси ёмғирдан кейинги кўзикориндай кўпайиб кетмаслиги учун “инфолўлилар” фаолиятига

БУГУННИНГ ГАПИ

қарши фаол курашни кучайтириш керакдир?

Анвархон ТЕМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Онлайн имкониятлар кўп масалада бизга жуда қўл келмоқда. Ўқиш, ўрганиш, масофадан туриб хаттоки суд жараёнларида иштирок этиш. Бу бизни жаҳон цивилизацияси сари етаклади. Онлайн таълим эса ҳар қачонгидан ҳам машҳур. Блогерлар ушбу бозорни фаол ўрганишмоқда, чунки улар интернетда қандай қилиб пул ишлашни билишади.

Шу билан бирга, биз турли ахборот оқимлари кучайган даврда яшаямиз. Рекламалар, ҳар хил ўқув семинарлари, марафонлар орасида сиз доимо эҳтиёт бўлишингиз керак. Бугунги кунда ўзини мотиваторлар деб эълон қилган минглаб “инфолўлилар” ва виждонсиз блогерлар бор. Булар ҳеч қандай ҳақиқий қиймат бермайдиган курслар, тренинглар, китоблар ва бошқа ўқув материалларини сотадиган одамлардир. Улар ўзларини бизнес-тренинглари, мураббийлар, мотиваторлар ва бошқалар сифатида таништирадилар.

Халқаро тажрибага назар ташлайдиган бўлсак, АҚШ ҳамда Буюк Британия қироллигида тиббий хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган шифокор ёки тиббий мотиваторлар реестри юритилади. Ушбу портал орқали фуқаро ижтимоий тармоқда саломатликка доир тавсиялар бераётган тиббиёт ходими ҳақидаги барча ахборот билан мустақил равишда танишиш имкониятига эга. Ҳиндистонда эса соғлиқни сақлаш соҳасидаги мед-блогерлар ўз ижтимоий тармоқ саҳифаларида шифокорлик малакасини тасдиқловчи ахборот, яъни, ҳужжат ёки тегишли сертификат жойлаштириши шарт қилиб қўйилган. Туркияда ҳам тиббиёт соҳасида бу тизим жуда кенг қўлланилади ва одамларга анча фойдали имкониятларни тақдим этди.

Бироқ бизда айни пайтда аниқ белгиланган қонуний чоралар йўқ. Лекин масала депутатларимиз ва экспертлар диққат марказида турибди. Масалан, ўтган йили сохта психологлар фаолиятини тартибга солувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ўзларини гўёки “психолог” деб таништириб, одамларнинг қимматли вақти ва малакаларига кўз тикиётганларнинг ҳатти-ҳаракатлари соҳани қонун билан тартибга солиш заруратини юзага келтирди. Узоқ давом этган қизгин тортишувлар, мунозаралар ва муҳокамалардан сўнг психологик ёрдам кўрсатишни тартибга солишга қаратилган “Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси тайёрланди. Ҳозирча биринчи қадам ташланди ва келгусида психологлар фаолиятига оид ҳуқуқий асос яратилади.

Хулоса қилиб айтганда, инсон руҳияти, саломатлиги билан бевосита ишлайдиган мутахассиснинг тиббий билимга эга бўлиши оддий тартибга айланиши лозим. Ўз ўрнида ахборот истеъмолчилари, ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ҳам ўзининг ва яқинларининг саломатлигини хавф остига қўймасликлари, баъзи тиббий-психологик тажрибаларнинг оқибати ачинарли бўлишини ўйлаб кўриши зарур.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

ДЕПУТАТЛАР – ЖОЙЛАРДА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА НИМА ГАП?

“Инсон кадри” тушунчаси “ижтимоий давлат” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода ҳамиша ва ҳамма жабҳада инсон кадри устуворлигини таъминлаш, ҳеч кимни ўз муаммолари билан ёлғиз ташлаб қўймаслик, жамиятни ижтимоий тенглик ва адолат



принциплари асосида ривожлантириш йўлида Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши томонидан ҳам қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Кенгаш ташаббуси билан Чирчиқ шаҳридаги “BEKNOME” ўқув марказида “Ижтимоий ташаббуслар куни” акцияси ўтказилди. Унда ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси А.Умаралиев, Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси М.Парпиева ва бошқалар ёшларнинг ижтимоий аҳамиятга молик ғояларига ишонч билдириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва амалиётга татбиқ этиш зарурати ҳақида фикр билдирдилар.

Ушбу акция навқирон авлод вакилларининг ижтимоий-иқтисодий ислохотларда фаол иштирок этишга, ёшлар бандлигини таъминлаш билан боғлиқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни рўёбга чиқаришга иштиёқи баландлигини кўрсатди. Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Тадбир доирасида иштирокчилар ўқув

марказида яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Ушбу марказда ҳар йили юзлаб битирувчиларнинг олий таълимга юқори балл билан қабул қилиниши анъана тусига кирган. Айни дамда бу ерда таълим олаётган ёшлар йигирмага яқини ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар фарзандлари ҳисобланади.

Акция якунида ўқув маркази



ўқитувчилари ва фаол ёшларга партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

Тошкент вилоятида “Маърифат ва саховат қарвони” лойиҳаси доирасидаги табдирлар ҳам давом этмоқда. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қ.Қосимова, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлари, маҳаллий Кенгашлар вакиллари томонидан ҳудуддаги ўнлаб кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинди. Уларнинг муаммолари жойида ўрганилди ва мутасадди ташкилот вакилларини жалб этган ҳолда ижобий ҳал қилиш чоралари кўрилди. Шунингдек, ҳомийлар томонидан бу оилаларга совғалар, китоблар тарқатилди.

Ногиронлиги бўлган фуқаролар ўз уйида тиббий қўриқдан ўтказилиб, зарур бирламчи дори-дармонлар етказиб берилди.

Малоҳат ЭРҒАШЕВА,
ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши
бўлим бошлиғи.



“AGRO IN VITRO” LOYIHASI – ILFOR INNOVACION ECHIM

Бугунги кунда сайёрамиздаги геосиёсий вазиятларнинг кескинлашуви фонида дунё бўйлаб таъминот ва қиймат яратиш занжирларида узилишлар кузатилаётгани, устига-устак иқлим ўзгариши, табиий офатлар, сув танқислиги, қўрғоқчилик каби глобал муаммолар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда қатор мураккабликларни келтириб чиқармоқда. Бундай ҳолат, табиийки, инсонларнинг бирламчи эҳтиёжларидан бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари нарх-навосига салбий таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда ҳам қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, бу йўналишда “Агробанк” АТБ томонидан қатор йирик лойиҳалар изчил ҳаётга татбиқ этилаётгани эътирофга моликдир.

Жумладан, бу борада “Агробанк” АТБ томонидан бир нечта уникал лойиҳалар экотизими яратилган. Серҳосил ва экспортбоп мева кўчатларини етиштириш мақсадига хизмат қилувчи “Agro In vitro” лойиҳаси шулар жумласидан. Ушбу лойиҳа Президентимизнинг 2023 йил 3 августдаги қарори ижроси доирасида Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида йўлга қўйилган. Бу ҳақида Ғаллаорол туманидаги “Agro In Vitro” инновацион комплексида оммавий ахборот воситалари ва агросоҳанинг етакчи мутахассислари учун уюштирилган пресс-турда алоҳида таъкидланди.

Ҳосилдорлиги юқори, замонавий селекция ва генетика технологиялари асосида кўчатлар етиштириш, шу орқали юртимизда мева-сабзавотларнинг янги навларини кўпайтиришга қаратилган лойиҳанинг умумий қиймати 20 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. У 20,4 гектар майдонда намунавий кўчатлар етиштиришга мўлжалланган лаборатория комплексини ҳам ўз ичига олади.

“Agro In Vitro”да 72 нафар маҳаллий мутахассис иш билан таъминланган бўлиб, улар орасида 1 нафари PhD даражасига эга олим, 6 нафари магистр, 9 нафар биотехнолог-агроном ва 24 нафар лаборант бор.

Эътиборли жиҳати, лойиҳа қишлоқ хўжалигида етакчи бўлган Нидерландия тажрибаси асосида шакллантирилган. Бу ерда инновацион ечимларга асосланган, МДХда ягона бўлган in-vitro лабораторияси ҳамда дунёда бешинчи ўринда турувчи юқори технологияли иссиқхона ишга туширилган. Шунингдек, Италиянинг Battistini Vivai, Vitroplant, Испаниянинг Viveros Proveda ва АҚШнинг Foundation Plant Services компаниялари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган.



Ҳамкорлик доирасида данакли меваларнинг 35 тури, уруғли меваларнинг 25 тури, манзарали ўсимликларнинг 30 тури, узумнинг 11 нави, пайвандтагларнинг 30 тури ҳамда резавор меваларнинг 18 хил нави олиб келиниб, улар асосида кафолатланган, юқори сифатли кўчатлар етиштирилмоқда.

In-vitro усулида етиштирилган кўчатларнинг афзаллиги шундаки, улар вирус ва турли касалликлардан холи, генетик ва сифат жиҳатдан бир хил бўлади. Ҳосилдорлик ҳам 40 фоизгача юқори. Бундан ташқари, лабораторияда синовлардан ўтказилган кўчатларни йил давомида очик майдонга экиш мумкин.

Пресс-турда маълум қилинишича, жорий йил якунигача 1,1 миллион дона кўчат сотувга чиқарилиши режалаштирилган. Айни пайтда agroinvitro.uz платформасида харидорларга худуд ва иқлим

шароитига мос кўчатларни тавсия этувчи тизим ишлаб чиқилмоқда.

Маҳаллий агроном ва кўчатчилар учун ҳар йили икки мартаба бепул 3 кунлик ўқув курслари ташкил этилади. Бу ҳақдаги эълонлар @agro_in_vitro Telegram каналида жойлаштирилади.

“Agro In Vitro” ўз олдига катта мақсадлар қўйган. Қишлоқ хўжалиги ходимларининг малакасини ошириш, пайвандлашнинг янги усулларини жорий этиш, шунингдек, Италия давлатидан эртапишар, кечпишар ва ўзини ўзи чанглатадиган навларни олиб келиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, сувсизликка чидамли ва юқори ҳосилдорликка эга бўлган навларни кўпайтириш ишлари йўлга қўйилади.


“Agro In Vitro” лойиҳаси минтақамизда ноёб бўлиб, унда

турли участкаларда микроиқлим назоратини таъминлаш, уни тўлиқ автоматлаштириш, санитария меъёрлари, суғориш сувини филътрлаш ва дезинфекция қилиш, мослашиш зоналари ва сувни зарарсизлантириш бўйича инновацион технологиялар жамланган.

Тадбир доирасида журналистлар ва “Uzagrostar holding” компанияси ҳамда унга қарашли ихтисослашган корхоналар вакиллари “Agro In Vitro” иш жараёни билан яқиндан танишдилар. “Агробанк” АТБ озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигида илм ва инновацияларга асосланган янги лойиҳаларни қўллаб-қувватлашда давом этаётганига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдилар.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

Реклама ҳуқуқи асосида.



ЧЕТАРА

Одамзод нима учун кафтдек ҳовлисига гул экади?
Ундан кўра шолғом экса, қозонига тушади-ку.
Одамзод нима учун булбул чах-чаҳини эшитганда энтикиб кетади? Ундан кўра булбулни шўрвага солиб пиширса, нафсини қондиради-ку.
Одамзод нима учун осмонда чарақлаб ётган юлдузларни кўриб, кўнгли завққа тўлади? Юлдузлар унинг ҳамёнидаги тиллалар эмас-ку.
Одамзод нима учун китоб ўқиётган, суюкли қаҳрамони ўлиб қолса йиғлайди? Уни ёзувчи “ичидан тўқиб чиқаргани”ни билади-ку?
Одамзод нима учун ўзга юртларга бориб беҳисоб мол-дунё орттирсаю, иттифоқо болалиги кечган кўлбаси тушига кириб қолса, туни билан йиғлаб чиқади?
Ахир у шоҳона қасрда яшайди-ку.
Одамзод нима учун боласининг бошида алла айтади? Гўдак алла эшитмаса ухламайди-ку?
Одамзод нима учун неварасини етаклаб неча замон аввал ўтиб кетган бобосининг қабрини зиёрат қилади? Марҳум уларни кўрмайди-ку?!
Гап шундаки, Одамзодни ҳайвонотдан ажратиб турадиган чегара бор. Бу чегаранинг номи Маънавий деб аталади!

ЯҚДИМЛИК

“Халқ” деган сўз билан “ҳалқа” деган сўзда муштараклик бор. Қадимда занжирнинг қувватини аниқлаш учун энг ожиз халқани синаб кўришар экан. Негаки, юзта халқа мустаҳкам бўлгани билан биттаси нобоп бўлса, занжир худди ўша ердан узилади...
...Бир-бири билан занжирдек боғланган, орасидан “ола” чиқмайдиган халқни енгиб бўлмади.

ҲАЛОЛ ВА ҲАРОМ

Баъзилар “ҳалол ва ҳаром” деганда “еб-ичиш мумкин бўлган ва еб-ичиш мумкин бўлмаган” нарсани англайдилар... Юзаки тушунча! Аслида бу – “қилиш мумкин бўлган ва қилиш мумкин бўлмаган” амаллар дегани ҳамдир...
Биласиз: нон энг табарруқ неъмат. Бироқ нопок йўл билан топилган нон ҳам ҳаром! “Нонингни ҳалоллаб е”, деган гап бежиз айтилмаган.

ОЛИМ ВА ШОИР

Унча-бунча нарсага ҳайрон қолмайдиган одамдан Олим чиқади.
Ҳамма нарсага ҳайратланадиган одамдан Шоир чиқади!

БЕКОРЧИЛИК

Иш кўплигию, вақт йўқлигидан нолиманг. Вақт кўплигию, иш йўқлигидан кўрқинг. Одамни абгор қиладиган нарса – бекорчилик.

Ўткир ҲОШИМОВ,
“Дафтар ҳошиясидаги битиклар” китобидан.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi
TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAYSHANOV
Toشتهмир XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Г — 737. 1530 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —
Topshirilgan vaqti — 23:00
1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda